

Лекция – 2 соат

Мавзу: Қобилият ва қизиқишнинг психологик тавсифи. Иқтидорли болалар психологияси. ўқитувчининг психологик қобилиятлари.

РЕЖА:

1. Қобилият ва қизиқиш ҳақида умумий тушунча.
2. Иқтидорли болалар психологияси.
3. ўқитувчининг психологик қобилиятлари.

Таянч тушунчалар:

Қобилиятлар, касбий таълим, малака, кўникма, индивидуал психологик хусусиятлар, «ўзарувчан миқдор», фикрловчи, «ўрта», талант, иқтидорлилик, лаёқат, олий интеллектуал, ақлий ривожланган, индивидуал хусусият, педагогик қобилият, дидактик қобилият, академик қобилият, коммуникатив қобилият, перцептив қобилият, диққатни тақсимлай олиш қобилияти, педагогик ҳаёл.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Г.Гозиев. Умумий психология. Тошкент 2002 йил.
2. Э.Г.Гозиев, Ш.В. Азизова. Ташкилий психология. Т. 1999 й.
3. Э.Г.Гозиев, Б.Хасанов. Психология муамолари. Т.1999.
4. Э.Г.Гозиев. Шахс психологияси. 1999.
5. Э.Г.Гозиев Муомала психологияси. 1999.
6. П.С. Эргашев. Мулоқот психологияси. Т. 2003
7. Г.К.Туляганова. Дифференциал психофизиология. Т. 1999
8. З.Т.Нышанова. Психик тараккиёт диагностикаси. Т. 2004.
9. М.Г.Даветшин, Г.К.Туляганова. Ёш даврлари ва педагогик психология. Т. 2000
10. Н.С.Лейтес. Одаренность детей и подростков. Т. 2004
11. Б.Р. Кодиров, К.Б. Кодиров. Касбий таълим методикалари туплами. Т.2003
12. З.Клычева, А.Хамидова. Жас айырмашылык хам педагогикалык психология. Н. 2003.

1. Қобилиятлар тўғрисида умумий тушунчани вужудга келтириш учун уларга алоқадор омиллар, таркиблар бўйича айрим маълумотлар келтириш мақсадга мувофиқ: а) қобилиятлар шахснинг психологик хусусиятлари эркинлиги; б) мазкур хусусиятларга билим, кўникма, малакалар орттириш боғлиқ; в) ушбу хусусиятларнинг ўзи билим, кўникма ва малакаларга тааллуқли эмасдир. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, олий таълим жараёнида ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича “ўртамиёна” талаба кейинчалик ижобий томонга ўзгариши, бошқа соҳада юксак натижаларга эришиши, ҳатто мутахассисликка ёндош ихтисосликда ўзини кўрсатиши мумкин. Таълим ва ижтимоий турмушда укувсиз, “яроқсиз” деб баҳоланган инсонлар кейинчалик бирон-бир соҳанинг етакчи мутахассиси сифатида танилиши мумкин. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида қобилиятлар намоён бўлса да, лекин улар билим, кўникма, малакаларга бевосита тааллуқли эмасдир, худди шу боисдан улар бир-бири билан ўзаро муносабат ва нисбатан нуқтаи назардан таҳлил қилганида қобилиятлар билан билимлар, қобилиятлар билан кўникмалар моҳият, мазмун маъно жиҳатидан бир-бирдан тафовут қилади. Ушбу психологик ҳодиса образлироқ қилиб тушунтирилганида, билим,

кўникма, малака машқланиш туфайли эгалланиладиган аниқ воқелик деб тасаввур қилинса, қобилиятлар шахснинг руҳий оламидаги ҳали руёбга чиқмаган имкониятидир.

Психологиянинг методологик асосининг кўрсатишича, қобилиятлар - имкониятлар тизимидан ташкил топган бўлиб, у ёки бу фаолиятидаги зарурий маҳорат даражаси ҳақиқат ҳисобланади.

Психология фани қобилиятлар билан фаолиятнинг муҳим жабҳалари бўлмиш билим, кўникма ва малакаларнинг айнан бир нарса эканлигини рад этар экан, уларнинг бирлигини эътироф қилади. Шунинг учун қобилиятлар фақат фаолиятда руёбга чиқади, лекин шунда ҳам айнан шу қобилиятларсиз амалга оширилиши амри маҳол фаолият кўринишларидагина акс этади, холос.

Қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларда акс этмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади. Фаолият учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида юзага чиқадиган фарқлар қобилиятлар тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Демак, шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган, билим кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусияти қобилиятлар дейилади. Ушбу хусусиятни аниқлаш учун баъзи би омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: а) шахснинг муайян сифатлари йиғиндиси белгиланган вақт оралиғида эгалланган фаолияти талабларига жавоб берса – унда мазкур фаолиятга нисбатан қобилияти мавжудир; б) инсон шундай ҳолатларда фаолият талабига жавоб бера олмаса – психологик сифатлар, яъни қобилиятлар мавжуд эмасдир. Лекин хусусиятли шахс кўникма ва малакаларни эгаллай олмайди, деган маъно англатмайди, бироқ уларни эгаллаш вақти чўзилиб кетади, холос.

Шундай қилиб, қобилиятлариндивидуалпсихологик хусусиятлар бўлиши билан бирга: а) уларни шахсларнинг мавжуд бошқа хусусиятларига, ақлий сифатларга, хотира ҳислатларга характер фазилатларига, ҳиссий кечинмаларига ва бошқаларга қарама-қарши қўйиш мумкин эмас; б) шунингдек, қобилиятларни шахснинг мазкур хусусиятлари билан қаторга қўйиш, уларни айнийлаштириш ҳам нуқсонларни келтириб чиқаради. Шунини таъкидлаш жоизки, мулоҳаза билдирилган сифатлардан баъзи бири ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб бера олса ёки уларнинг таъсирида вужудга келса, у ҳолда шахснинг мазкур индивидуал хусусиятларини қобилиятлар деб аташ имконияти туғилади.

Психологияда қобилиятлар индивидуал психологик хусусиятлар сифатида тавсифланади ва бунинг асосида бир инсоннинг бошқа инсондан тафовутланадиган ҳислатлари, фазилатлари ётади. Шунинг учун ҳар бир шахсдан бир хил натижа, бир хил сифат кутиш мумкин эмас, чунки инсонлар ўз қобилиятлари бўйича бир-бирларидан муайян даражада фарқ қиладилар. Қобилиятларнинг сифат тавсифи шахснинг қайси индивидуал психологик хусусиятлари фаолият муваффақиятининг мажбурий шарт тартиқсида хизмат қилишини англатади. Уларнинг миқдор тавсифи эса фаолиятга қўйиладиган талабларни шахс томонидан қай йўсинда бажариш имконияти мавжудлигини билдиради, яъни мазкур инсон бошқа одамларга Зарағанда малака, билимлардан нечоғлик тез, енгил, пухта фойдалана олишини номойиш қилади.

Қобилият хусусиятларининг сифат жиҳатидан талқин қилинишида, биринчидан, мақсадга турлича йўللار орқали эришишга имкон берувчи “ўзгарувчан миқдор” гўплами тартиқсиа, иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминловчи шахснинг индивидуал психологик ҳислатлари мураккаб мажмуаси кўринишида гавдаланади.

Шахснинг қобилиятида мавжуд бўлган ўрнини босиш (компенсатор)лик имконияти кўриш ва эшитишдан маҳрум инсонларни махсус ўқитиш орқали руёбга чиқади. Ҳаётда кўр мусикачи, артист, шоир, рассом, муҳандис ва бошқа шу каби касб эгалари етишиб чиққанлиги кўп учрайди. Ҳатто эшитиш қобилияти паст ёки умуман

йўқлиги ҳам касбий муסיқавий қобилиятнинг ривожланишига кескин ҳалақит бермаслиги мумкин.

Қобилиятлар сифатида руёбга чиқадиган психик хислатлар мажмуасининг тузилиши яккол ва алоҳида фаолият талаби билан белгиланганлиги туфайли ҳар қайси турдаги фаолиятлар учун ўзига хос тарзда қўйилиш турган гап.

Талантнинг ижтимоий тахий табиий нуқтаи назаридан талқини қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи эканлигидан далолат беради. Талант (юнон talanton қимматбаҳо, ноеб нарса, ирсий, табиий хислат деган маъно англатади.) муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равишда бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар мажмуасидан (ййиндисидан) иборат индивидуал хусусиятдир. Психологик адабиетларда унга турлича таъриф берилишига қарамай, уларда асосий белгилар таъкидлаб ўтилади, шахсга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятининг муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасига талант дейилади. Талантнинг асосий белгилари: а) муваффақиятни таъминлаш; б) фаолиятни мустақил бажариш; в) оригиналлик унсурининг мавжудлиги ; г) қобилият ҳамда истеъдодлар ййиндисидан иборат эканлиги; д) индивидуал психологик хислатлиги; е) ижтимоий турмушни ўзгартирувчи, яратувчи имкониятлиги кабилар.

Талант ҳам қобилиятларга ўхшаш ижодиетда юксак маҳоратга, муваффақиятга эришиш имконияти ҳисобланиб, ижодий кутилмаси (ютук) инсонларнинг ижтимоий тарихий турмуш шарт –шароитларга боғлиқдир.

Қизиқиш шахснинг муҳим психологик жабҳаларидан бири ҳисобланиб, унда инсоннинг индивидуал хусусияти бевосита муассамлашади. Қизиқиш инсонларнинг дунёқараши, эътиқодлари, идеаллари, яъни унинг олий мақсадлари, эзгу ниятлари, орзу умидлари билан бевосита муҳим роль ўйнайди ҳамда уларнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Қизиқиш билимларни онгли, пухта, барқарор англаган ҳолда ўзлаштиришда, кўникма, малакаларни шакллантиришда, шахс қобилияти, зеҳни, уқувчанлиги ривожлантиришга, оламни мукамалроқ тушунишга, билим савиясининг кенгайишига ёрдам беради.

Қизиқиш мотив сингари борлиқнинг мўжизакор томонларини билишга, фан асосларини эгаллашга фаолиятнинг турли-туман шаклларига нисбатан ижодий ёндошишни вужудга келтиради, меҳнатга, таълимга маъсулият билан муносабатда бўлишни шакллантиради, ҳар қайси яккаҳол шахсда ишчанлик, 2айрат-шижоат, эгилмас иродани таркиб топтиришга пухта психологик шарт-шароитлар яратади.

Қизиқишнинг психологик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндошилганда, қизиқиш, инсонда интилиш, фаоллик, ички туртки, эҳтиёжни руёбга чиқариш манбаи ролини бажаради.

Жаҳон психология фанининг йирик намоёндалари шахснинг қизиқишини унинг яхлит руҳий дунёси билан, бинобарин, одамнинг аклий фаолияти, билиш жараёнлари, иродаси, характери, темпераменти, ҳиссиёти, қобилияти билан, умуман олганда инсон тузилишининг барча қирралари билан боғлиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилади.

Психология фанининг йирик намоёндаларининг таълимотича, қизиқиш одамларнинг эҳтиёжлари негизда юзага келади, яккол ижтимоий - тарихий шарт-шароитда, вазиятда вужудга келади, шаклланади, барқарорлашиб боради ҳамда уларнинг шахсий турмуш шароитида ва фаолиятида, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши сингари омилларда гадаланади. Умумий талқинларга асосланиб мулоҳаза билдирилганда, қизиқиш алоҳида жараён, маълум психологи функция эмас, чунки у ҳис-туйғу, ирода, онг, қолаверса жамики психик ҳолатлар, ҳодисалар ва ички кечинмаларнинг ўзида мужассамлаштирган, мураккаб тизимли руҳий воқелиқдир.

Қизиқишни психологик моҳиятининг дастлабки кўриниши – бу уни одамлар томонидан англаб етиши ёки тушуниш имкониятидир. Шахс қизиқиш маҳсулини, унинг оқибатини англаш, тасаввур этиш орқалигина объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга

онгли, танлаб муносабатларда бўлади. Лекин бу воқелик инсонда бирданига содир бўлмайди, балки муайян вақт давомида унда билиш жараёнлари, шахсий фазилатлари, индивидуал – типологик хусусиятлари ривожланиши туфайи юзага келади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қизиқишнинг психологик моҳияти намоён бўлиши ақлий жараёнлар муҳим роль ўйнаши ҳодисаси қайд қилиниши у фақат интеллектдан ташкил топади, деган маъно англатмайди. Худди шу боисдан, қизиқишнинг психологик моҳиятининг иккинчи кўриниши – унинг ҳис туйғулар, эмоционал ҳолатлар билан уйғунлашган, мужассамлашган тарзда ифодаланишидир. Маълумки, ҳис-туйғулар, шунингдек, эмоционал ҳолатлар шахснинг броликдаги аниқ воқеликка, нарса ва ҳодисаларга, муайян фаолиятга нисбатан интилишни, саъи – ҳаракатларни кучайтиради, жадаллаштиради, сафарбарликни объектга йўналтиради.

Қизиқишни психологик моҳиятининг учинчи кўриниши – унинг иродали сифатлари билан ёнги ирода акти билан умумлашган арзда вужудга келишидир. Иродавий зўр бериш, муайян қарор бўйича интилиш, баъзи қийинчиликларни енгиш, мустақиллик намоён қилиш қизиқишни қарор топтиради, шахсни мақсад сари етаклайди.

Қизиқишни психологик моҳиятининг тўртинчи кўриниши – уни олий нерв фаолияти хусусиятлари ва темперамент типлари билан бирга мужассамлашган ҳолда намоён бўлишидир.

Ҳозирги даврда қизиқиш шахснинг индивидуал психологик хусусиятидан иборатдир, деган ҳулоса одатий нарсага айланиб қолди. Шунга қарамайдан, баъзи манбаларда қизиқиш муайян соҳа бўйича тўғри мўлжал олишга, янги омиллар билан танишишга, воқеликни тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир, деган таърифга ҳам эга.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг иштиёғини қондиришга йўналтирилганлигини акс эттирувчи қизиқишнинг қондирилиши, ҳеч қачон унинг сўнишини ифодаламайди, аксинча объектнинг номаълум қирраларини аниқлашга нисбатан интилиш давом этаверади. Шу билан бирга қизиқишлар билишнинг, унинг жараёнлари функционал ҳолатининг доимий кузатувчи механизми сифатида вужудга келади ва акс эттириш давом этади.

Психологияда қизиқиш мана бундай типларга ажратилиши мумкин: 1) мазмунига кўра: шахсий ва ижтимоий; 2) мақсадига биноан: бевосита ва билвосита; 3) кўламига кўра: кенг ва тор; 4) қизиқишлар даражаси бўйича: барқарор ва беқарор ва бошқалар.

Қизиқишнинг мазмун жиҳатидан ўзаро тафовутланиши қўйидагиларда мужассамлашади: билиш эҳтиёжларининг объектлари қайсилар, билишнинг мазкур фаолият мақсади билан мутаносиблиги, шахснинг яшаётган муҳитига нисбатан муносабати кабилар. Шахсда нималарга нисбатан қизиқиш уйғонади, унинг билиш эҳтиёжлари объектнинг ижтимоий қиймати қандай аҳамият касб этади? Инсоннинг шахсий қизиқиши келиб чиқишига кўра бирламчи бўлишига қарамайдан, у бир даврнинг ўзида ижтимоийлик хусусиятини касб этаверади. Унинг касбий фаолиятига нисбатан қизиқиши охир оқибатда жамият учун наф келтириши, равнақи учун қийматлидир. Ижтимоий хусусиятли қизиқишларнинг пайдо бўлиши шахсий аҳамият касб этиш сари етаклаши муқаррар. Чунки умумийлик билан хусусийлик уйғунлашган ҳолда ҳукм суради ва улар бир босқичдан бошқа бир босқичга автоматик равишда ўтаверади ёки улар доимо ўрин алмайтириб туришади. Шахс ўз қизиқиши туфайли бирон – бир нарсани кашф этса, индивидуал эҳтиёжни қондиради, шунингдек, жамият, жамоа учун ишлаб чиқариш натакомиллаштиришга бу нарса хизмат қилади. Шу боисдан жамиятнинг, жамоанинг энг долзарб вазифаларидан бири- ёшларнинг мустақил, фаол билишга, ижтимоий аҳамиятга мойиллик, меҳнат фаолиятига нисбатан қизиқиш уйғотишдан иборатдир. Токи уларда жиддий, сермазмун, жамият томонидан рағбатлантирилувчи, меҳр муҳаббатга сазовор қизиқишлар шаклланин.

Қизиқишнинг мақсад жиҳатидан фарқи бевосита ва билвосита намоён бўладиган қизиқишларнинг мавжудлигини аниқлайди. Бевосита қизиқишлар воқеликнинг, жисмлар ва ҳодисаларнинг эмоционал жозибалилиги, ҳис туйғуларга эга бўлишлиги, ташқи таъсирларга берилувчанлиги туфайли вужудга келади. Бевосита қизиқишлар ўрганилаётган нарсанинг маъноси билан унинг шахс фаолияти учун аҳамияти мос тушган тақдирда пайдо бўлиши мумкин. Психологияда бевосита қизиқишнинг юзага келишини фаолиятнинг мақсадини аниқлаш билан боғлиқ бўлган билишни эҳтиёж деб аташ қабул қилинган.

Меҳнат ва ўқиш фаолиятида ҳамиша ҳис-туйғуга, жозобага таяниб иш тутиш имконияти мавжуд бўлмаслиги сабабли жисмоний ва ақлий меҳнатни онгли идора қилишда муҳим аҳамият касб этадиган бевосита қизиқишларни таркиб топтириш масаласи ишлаб чиқариш ҳамда таълим тизими олдида турган муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, у ёки бу нарсаларни билиш, кўриш, идрок қилиш, англаб етиш учун қизиқарли туюлган ички кечинмалар бевосита қизиқишни акс эттиради. Билвосита қизиқишлар меҳнат фаолияти ёки таълим олиш жараёнининг муайян ижтимоий аҳамияти билан унинг шахс учун субъектив аҳамияти ўзаро мос тушганида билвосита қизиқиш юзага келади. Бинобарин, шахс мазкур жараёнда бу нарсалар мени қизиқтиргани учун жуда қизиқарлидир, деган хулоса келади. Меҳнат фаолияти ва таълим жараёнини онгли ташкил этиши етакчи ва устувор роль ўйнайдиган билвосита қизиқишларни таркиб топтириш учун махсусч тренингларга, омилкор йўл – йўриқларга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Одамларнинг қизиқишлари ўзининг кўлами билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай шахс тоифаси ҳам мавжудки, уларнинг қизиқишлари фақат биргина соҳага қаратилган бўлади. Бошқа бир тоифадаги шахсларнинг эса қизиқишлари қатор соҳаларга, фанларга, объектларга йўналтирилганлигини учратиш мумкин. Лекин турли соҳага нисбатан қизиқишларнинг бири иккинчисига салбий таъсир этиши мумкин эмас, агарда улар оқилона бошқариш имкониятига эга бўлса. Қизиқишнинг торлиги кўпинча салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин.

Қизиқишлар ўзларининг даражаларига қараб барқарор ва беқарор турларга ажратилади. Барқарор қизиқишга эга бўлган шахс узоқ вақт давомида ёқтирган предметларига, объектларига, ҳодисаларига нисбатан ўз майилини ҳеч ўзгаришсиз сақлаб тура олади. Шу боисдан инсон эҳтиёжларини ўзида мужассамлаштирувчи, шахснинг рухий фазилатига айлана бошлаган қизиқишлар барқарор қизиқишлар дейилади. Барқарор қизиқиш шахс қобилятининг ривожланганлигидан дарак бериши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда, мазкур қизиқиш ташхис қилувчанлик хусусиятига эга. Бироқ инсонларда барқарор қизиқишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун уларнинг меҳнат фаолияти ва ўқув жараёнидаги қизиқишларининг ташқи ифодасини атрофлича ўрганишга тўғри келади. Одатда қизиқишнинг ташқи ифодаси шахснинг ўзига ўзи баҳо бериш, ўзини ўзи таҳлил қилиш фаолиятларида намоён бўлади. Барқарор қизиқиш тўғрисида мулоҳаза юритилганда, унинг бошқа таркибий қисмлари ва қирраларини ҳисобга олиш лозим, чунки бу нарса кўп жиҳатдан шахснинг иродавий сифатлари, характерининг вазминлигига боғлиқ.

Қизиқишнинг барқарорлиги унинг нисбатан жадал тарзда намоён бўлиши ҳамда узоқ давом этиши билан ифодаланади. Шахснинг зарурий эҳтиёжларини юксак даражада акс эттирадиган, шунингдек, унинг психологик тузилишига хос хислатларга айланиб борадиган қизиқишлари барқарор қизиқиш дейилади. Барқарор қизиқиш қобилятнинг бир кўринишига ўхшаш бўлб, мақсадга йўналганлиги билан муҳим ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий аҳамиятга, қийматга эгадир.

Қизиқишларнинг баъзи ҳолатларда беқарор бўлишлиги инсонларнинг ёш, жинс, типологик хусусиятига боғлиқдир. Бундай тоифадаги одамларда қизиқишлар ғоятда эҳтиросли кечади, бироқ қисқа муддатли бўлиши мумкин.

Психология фанинг сўнги даврдаги маълумотларига асосланган ҳолда қизиқишнинг бир нечта даражаларга ажратиш мумкин: а) синчковлик, б) қизиқувчанлик, в) билишга қизиқиш, г) турғун ёки касбий қизиқиш. Синчковлик қизиқишнинг бирор нарсага нисбатан кучли интилишдан иборат қисқа муддатли тури ёки даражасидир. Қизиқувчанлик шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, уларнинг билишга нисбатан фаол муносабатидан иборат қизиқиш даражасидир. Билишга қизиқиш англашилган даражадаги, мақсадга мувофиқлашган, жисмоний ва ақлий фаолиятнинг янги қирраларини эгаллашга йўналтирилган қизиқиш туридир. Турғун қизиқиш шахснинг касбий кўникмалар, малакалар ва билимларни эгаллашга йўналтирилган, касбий тайёргарлик даражаси билан уйғунлашган, мақсадга эришиш йўлида фаоллик кўрсатувчи қизиқиш туридир.

2. Иқтидорли болалар психологияси

Тўғма иқтидорли болаларни тушиниш учун энг аввало болалар психикасининг ёш хусусиятларини билишимиз керак. Агарда қобилият қандайда бир психик хислат бўлса, иқтидорлилик шу қобилиятнинг энг юқори кўрсаткичи ҳисобланади. Қобилият ва иқтидорлилик инсон ҳаёти давомида акс эттириб борилади.

Айрим болаларда эрта даврлардан ривожланишнинг айрим самарали кўринишлари: эрта ёшдан бошлаб уларда ривожланишнинг юксак муваффақияти ҳамда ақлий қобилияти кўзатилади. Мактабда алоҳида эътиборни фақатгина орқада қолган ўқувчиларгина эмас, балким бошқаларга солиштирганда ўқиш осон ҳисобланадиган, ўқув жараёнида юксак муваффақиятларга эришаётган болалар ҳам қаратади. Таълим жараёнида, жамоа ишларида ўқувчилар ҳаракатланиши, эришган муваффақиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Иқтидорли болаларда ақлий қобилиятнинг эрта вужудга келиши ота-оналар, педагоглар, жамоатчиликни бепарво қолдирмаслиги керак. Чунки, улардаги берилган талантнинг юқолишига олиб келиши мумкин.

Иқтидорли болаларнинг мактабга қабул қилинишида уларнинг ақлий лаёқатларини ҳисобга олмаслик фақатгина ота-оналар учун гина эмас, ўқитувчиларга ҳам муаммо тўғдиради. Чунки уларнинг ривожланиш темпи ва ақлий ривожланиши алоҳида ёндошишни талаб қилади. Бунда болаларга ҳар хил вариантлар қўлланилади. Айрим пайтларда болани мактабга бир ёки икки йил аввал қабул қилади. Айрим пайтларда мактаб ёшига келганда уни дарҳол икки ёки учунчи синфга айрим пайтлари биринчи синфга қабул қилади. Лекин кейинчалик уни тезлик билан ундан каттароқ синфга ўтказилади.

Иқтидорлилик - бу инсон қобилиятининг ўзига хос такрорланмас индивидуал хусусияти ҳисобланади. Эрта ақлий ривожланган боланинг психологиясини фақатгина боладаги қатнашувчи барча категорияларнинг хусусиятларигина ажратиб туради. Асосий эътибор шундай болалар орасидаги фарқлар бўлиб ҳисобланади. Эрта ақлий ривожланиш белгилари бор болалар бир-биридан кўпгина шахсий томонлари билан ажралиб туради. Яъни, уларнинг ривожланишида муҳим ҳисобланадиган томонлари ўз-ўзига баҳо бериш хусусиятида ва ўз ўзини критикалашда намоён бўлади. Юксак интеллектуал даражани кўрсатувчи болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммолари катта ижтимоий аҳамиятга эга. Ҳар бир талантли инсон жамият учун ўзига хос бойлик ҳисобланади. Жамиятнинг руҳий потенциали ҳамда унинг моддий ривожланиши кўп ҳолларда олимларнинг, саноат бошқарувчиларининг, маданият хизматкорларининг кўп куч ишлатишига боғлиқ бўлади.

Ақлий жиҳатдан ривожланган иқтидорли болаларни ўқитиш ва тарбиялашда шахсда ривожланувчи индивидуал хусусиятларнинг диққат марказида бўлмаслиги мумкин эмас. Ақлий қобилияти эрта ривожланган болаларни синфдан-синфга ўтказиш керак бўладими деган умумий нуқтаи назар бўлиши мумкин эмас.

Ақлий жиҳатдан ривожланган иқтидорли болалар мактабда ҳам, уйда ҳам бир қанча тўсиқларга учрайди. Биринчи навбатда боладаги ўзига хос қобилият юзага чиққанда

ота-оналар ҳамда оиладаги катта аъзолар ўзларини қандай тутиши муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик пайтларда қувонч ва ғурур билан бирга хавотирга олиб келади. Айрим пайтларда уларнинг ота-оналарини бошқалар учун армон бўладиган нарсалар тинчсизлантиради: бола уйдаги барча китобларни ўқиши, топшириқларни ечиш билан банд бўлиши, болани қандайда бир қурилмаларни тузатишдан ажрата олмаслик хавотирлантиради.

Иқтидорлиликни аниқлаш учун айрим методикалардан фойдаланишимиз мумкин. Умумий ақлий ривожланганликни, интеллектуал муваффақияти билан ажралиб турувчи болаларни аниқлашга қаратилган ушбу социометрик методика юқори ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари гуруҳларида ўтказишга мўлжалланган. Методиканинг ютуқли томонларидан бири шундаки, уни ўқувчиларда ўтказишдан аввал махсус жавоб бетларни кўпайтириш талаб қилинмайди ва оддий бир варақ қоғозда аноним тарзда ўтказилади. Тадқиқотчи гуруҳидаги энг зукко, иқтидорли талабани аниқлаш истаги борлигини тушунтириб, уларни бу ишга ҳолис ва жиддий ёндошган ҳолда ёрдам бершларини сўрайди. Сўнгра талабаларга мурожаат қилиб, улардан гуруҳ аъзолари ўртасида ҳар тамонлама етук, ўткир зеҳнли, фаол ва кўпчиликнинг ҳурматини қозонган ўн нафар талабанинг исм фамилияларини бир устун шаклида, бирдан ўнгача бўлган рақамлар билан белгиланган ҳолда ёзиб чиқишларини сўрайди. Талабаларга тушунарлироқ бўлиши учун доскадан фойдаланиб тушунтириш мумкин.

Қоғознинг чап томонида гуруҳдаги энг илғор талабаларнинг исм фамилияларини барча иштирокчилар ўз билганларича ёзиб бўлишгач руйхатнинг ўнг томонида учта устун – А, Б, В устунларини чизишлари ва уларни мос равишда “меҳнатсеварлик”, “зуқколик”, “ташкilotчилик” деб номлашлари керак бўлади.

Сўнгра тадқиқотчининг кўрсатмасига биноан руйхатдаги талабалар орасидан энг меҳнатсевар, тиришқоқ, интилувчан, ўз устида тинмай ишлайдиган, фаол уч нафар талабани танлайдилар ва А устунида тегишли исм фамилияларнинг қаршисига “+” белгисини қўйиши керак.

Сўнг Б устунида ҳам руйхатдаги ўн нафар талаба орасидан уч нафарини ажратиш керак бўлади. Бунда талабалардан ижодкор, ҳар қандай соҳадаги муаммони қийналмасдан, енгил ҳал эта оладиган, ҳозиржавоб, ўткир зеҳнли бўлган уч талабани белгилашлари сўралади. Шу ўринда талабаларнинг диққатига ҳавола этилиши зарур бўлган ҳолат шундан иборатки, улар А устунида белгиланган талабаларни кейинги устунларда ҳам такроран белгилашлари ёки истаган бошқа талабаларни танлашлари мумкин. Бироқ ҳар бир устунда танлаб белгиланаётган уч нафар талабанинг фазилатлари шу устунда суралаётган мазмунга жавоб бериши керак.

Учунчи В устунида яна уша руйхатдаги талабалар орасидан ташкilotчи, ўз ақл фаросати билан бошқаларни ўзига эргаштира оладиган, уларга ўз таъсирини ўтказа оладиган, ташкилий фаоллиги билан ажралиб турадиган уч нафар талабанинг исм фамилиялари қаршисига “+” белгисини қўйиш сўралади.

Шундай қилиб А, Б, В устунларининг ҳар бирига уч мартадан жами 9 та “+” белгиси қўйилади ва шу билан гуруҳ ўз вазифасини бажариб бўлган ҳисобланади. Шундан сўнг жавоб варақалари тезда териб олинади, гуруҳ эса навбатдаги ишлари билан машғул бўлиши мумкин.

3. Ўқитувчининг психологик қобилиятлари.

Узок йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва куп киррали хусусият ва у психологик билимлардан иборатлилигини курсатиб беради. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим урин эгаллайдиган катор компонентларни ажратиш курсатиш мумкин:

ДИДАКТИК КОБИЛИЯТЛАР - бу болаларга ўқув материалларини аниқ ва равшан

тушунтириб, осон килиб етказиб бериш, болаларда фанга кизикиш уйғотиб, уларда мустакил фаол фикирлашни уйғота оладиган қобилиятлардир. Дидактик қобилиятларга эга булган уқитувчи зарурят тугилганда кийин уқув материални осонроқ, мураккаброғини соддароқ, тушуниш кийин булганини тушунарлироқ килиб уқувчиларга мослаштириб бера олади. Уқитувчининг мана шу хислатларини билиб олган уқувчилар одатда: “Уқитувчининг энг муҳим томони ҳам унинг ҳамма нарсани аниқ- равшан ва тушунарли килиб беришида-да. Бундай уқитувчининг қулида маъза килиб уқигинг келади”: “Униси эса ҳеч нарсага ярамайдиган уқитувчи, ҳеч ҳам аниқ тушунтириб бера олмас эди”: “Уқув материални олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ-муҳим килиб тушунтиради. Биз бундай уқитувчиларни еқтирмаймиз”-дейдилар. АКАДЕМИК ҚОБИЛИЯТЛАР - математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига ҳос қобилиятлардир.

Қобилиятли уқитувчи уз фанини факат ҳажмидагина эмас, балки атрофлича кенг, чуқур билиб, бу соҳада эришилган, ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда қузата бориб, уқув материални мутлақо эркин эгаллаб, унга катта кизикиш билан қарайди ҳамда озгина булсада тадқиқот ишларини олиб боради.

ПЕРЦЕПТИВ ҚОБИЛИЯТЛАР - бу уқувчининг, тарбияланувчининг ички дунесига қира билиши, психологик қузатувчанлик, уқувчи шахсининг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боглиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

Қобилиятли уқитувчи болаларнинг ҳар қандай майда-чуйда ҳатти-ҳаракатларида, эркин ифодаланадиган айрим ташки ҳолатларида ҳамда уларнинг ички дунесига юзага келадиган узғаришларни сездирмасдан билиб олади. Ана шундай ҳолларда уқувчилар: “Муҳаббат опа қимнингдир қайфиятида узғаришлар булса еки қимдир дарсга тайерланмасдан келган булса қузига қарабоқ билиб олади”, “Бизинг уқитувчимиз ҳеч қаёққа қарамаса ҳам ҳамма нарсани қуриб туради” дейдилар.

НУТҚ ҚОБИЛИЯТИ - кишининг уз туйғу-хисларини нутқ ердамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ердамида аниқ ва равшан килиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу уқитувчидан уқувчиларга узатиладиган ахборот асосан иккинчи сигнал тизими- нутқ орқали берилади. Бунда маъмун жихатидан унинг ички ва ташки хусусиятлари назарда тутилади. (“Биз учун адабиёт уқитувчимиз Назира опанинг дарсини эшитишдан катта лаззат йук. Назира опамлар шу қадар яхши ва қиройли килиб гапирадиларки, ҳатто танаффусга қалинадиган қунгирок ҳам ҳалақит беради”).

Дарсда қобилиятли уқитувчининг нутқи ҳамма вақт уқувчиларга қаратилган булади. Уқитувчи янги материални тушунтирадим, уқувчилар жавобини шарҳлаб берадим, уқувчилар жавобини, уларни ҳатти ҳаракатлари еки ҳулқ-атворини маъқуллайдими еки танбех берадим, ҳуллас нима қилишдан қатъий назар нутқи ҳамма вақт узининг ишончилиги, жоғибадорлиги каби ички қувват билан алоҳида ажралиб туриши лозим.

ТАШҚИЛОТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ - бу *биринчидан*, уқувчилар жамоасини уюштира билиш, бундай жамоани жиқслаштира олиш ва *иккинчидан*, узининг шахсий ишини тугри ташкил қила олиш қобилиятидир. Уқувчилар уз уқитувчилари ҳақида турлича фикрда буладилар. Жумладан айирим уқувчилар: “... Биз Азим акани жуда яхши қурамыз. Улар синфимизда бир паснинг ичида, жуда тезлик билан ишчанлик қайфиятини уюштириб, барчамизнинг узининг пухталиги, озодалиги, эпчиллиги ва тадбирқорлиги билан ҳайратда қолдирадилар” десалар, айирим уқувчилар: “... Нодира опамлар биз билан худди она товукдек овора буладилар. Агар биз шухлик қила бошласак, улар узларини қурмасликка, пайқамасликка соладилар. Ажойиб аёл эди-ю, аммо унинг дарсида ҳеч қим ҳеч нарса қилмас эди-да...” деган фикрларни ҳам эшитиш мумкин.

АВТОРИТАР ҚОБИЛИЯТИ - бу уқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятдир.

Авторитар қобилият уқитувчининг ростгуйлиги, иродавий уддабонлиги, узини тутта билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари ҳамда қатор шахсий

хислатларга, шу билан бирга укувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни хис этиш, унинг этикоди, укувчиларга маънавий ва маърифий этикодни сингдира олганлигига ишончи каби хислатларга ҳам боглиқдир.

Укувчилар талаб килишни биладиган, укувчиларни мажбур килмаган ва дук пуписа килмаган, шу билан бирга беҳуда расмийчиликка йул куймаган холда уз айтганини килдира оладиган укувчиларни жуда хурмат киладилар.

КОММУНИКАТИВЛИК КОБИЛИЯТИ - бу болалар билан мулокатда булишга, укувчиларга ендашиш учун тугри йул топа билишга, улар билан педагогик нуктаи - назардан максадга мувофик узаро алока боглашга педагогик тактнинг мавжудлигига каратилган кобилиятдир.

Педагогик такт психологиясини урганишда психолог И.В.Страхов бенихоят катта хисса кушган. Унинг фикрича, бунда мухими-укувчиларга таъсир этишнинг энг кулай усуллари топа билиш, тарбиявий таъсирни куллашда максадга мувофик педагогик чораларга этибор бериш, аник педагогик вазифаларни хисобга олиш, укувчи шахсинг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур педагогик холатларини хисобга олиш зарурдир.

Педагогик тактнинг яккол ифодаларидан бири - хар кандай педагогик таъсирга нисбатан кулланиладиган чора-тадбирларини хис эта билишдан иборатдир. Фаросатли укувчи болаларга этибор бериб зийраклик билан карайди, уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан хисоблашади.

ПЕДАГОГИК ХАЕЛ - бу кишининг укувчилар шахсини тарбиявий томондан лойихалаштиришда уз иш-харакатларининг натижасини олдиндан кура билишда номаен буладиган кобилиятдир. Бу кобилият укувчи маълум укувчидан келгусида ким чикишини куз олдига келтиришда тарбияланувчиларда у еки бу хилдаги хислатларни усиб ривожланишини олдиндан кура билишда номаен булади. Бу кобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг кучига, укувчиларга булган ишонч билан боглиқдир. Шунинг учун ҳамма укувчилар айрим укувчилар тугрисида: “Ахмад акамлар, чамаси ичимиздаги энг ярамасларга ҳам ишончларини йукотмасдилар, шунинг учун ҳам биз уларни хурмат килардик” деган фикрларни изхор килардилар.

ДИККАТНИ ТАКСИМЛАЙ ОЛИШ КОБИЛИЯТИ - бу кобилият бир вақтнинг узида диккатни бир канча фаолиятга карата олишда намоен булиб, укувчи ишида гоят мухим ахамиятга эгадир.

Кобилиятли, тажрибали укувчи узининг диккат этиборини укув материални кандай баен этилишига, унинг мазмунига, уз фикрларини атрофлича килиб кандай очиб беришга еки укувчи фикрига баралла каратади ва шу билан бир вақтнинг узида барча укувчиларни кузатиб, уларни толиккан-толикмаганлигига, этиборли еки этиборсизлигига, дарсни тушуниш-тушунмаслигига ахамият бериб, укувчиларнинг интизомини кузатади ҳамда окибат натижада узининг шахсий хулк-атворида этибор беради. Тажрибасиз укувчи, купинча укув материални баен этишга берилиб кетиб, укувчиларнинг нима килаётганлигини сезмай колади ва назоратдан чикариб куяди, агар, бордию, укувчиларни диккат-этибор билан кузатишга харакат килса, бундай холларда уз баенотининг изчиллигини йукотиб куяди.